

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 630*673-058.232.6(575.1)

ХАКИМОВ БУНЁДЖОН ЖУРАЕВИЧ

**ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ
ҲИСОБИ, МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШ ВА
УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ
(Усимликчилик тармоғи мисолида)**

Ихтисослик: 08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2007

Диссертация Тошкент Молия институти “Молиявий таҳлил” кафедра-
сида бажарилган

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди, профессор
Сотиволдиев Абдурахмон Сотиволдиевич

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори
Жураев Нуриддин Юсупович

иқтисод фанлари номзоди
Ризаев Нурбек Кадиорович

Ётақчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар
химояси буйича Д.005.25.01. рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг
2007 йил “1” июнь соат “15” да утадиган мажлисида булади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кучаси, 16 уй.


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2007 йил 30 апрелда тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди

7.11 ✓

Ф.Мирзаев



а-14052

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида бозор иктисодиётининг босқичма-босқич шакллантирилиши аграр соҳада ҳам ислохотларни амалга оширишни тақозо қилди. Иктисодий ислохотлар туфайли фермер хўжаликлари тез суръатлар билан кўпайди ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоғида энг мақбул мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклига айланди. Бу борада, Президентимиз И.А.Каримов фермерлик ҳаракати тўғрисида куйидаги фикрларни таъкидлаб ўтди: “Бу ҳаракатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ахамияти бекиёс, унинг келажаги бор”¹.

Дарҳақиқат, республикамизда 2006 йилги пахта ҳосилининг 86 фоизи, бошқоқли дон экинларининг 75 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди².

Мулкчилик муносабатлари ва хўжалик юритишнинг янги шакллари, уларнинг бошқарув механизмларини чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий таҳлил ва аудит ушбу механизмнинг муҳим элементларидир.

Фермер хўжаликлари ҳисоб тизимида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг амалдаги усуллари бир қатор камчиликларга эга. Тармоқ хўжалиқларидаги ҳисоб шакллари ва усуллари ўз мазмунига кўра молиявий ва бошқарув ҳисобига тулиқ мослаштирилмаган. Қилинган ҳаражатлар тўғрисида объектив ахборотларни шакллантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини аниқ ҳисоблаш ҳамда ресурсларни самарали бошқариш имкониятлари чегараланган. Бу эса, ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришга таъсир этмоқда.

Юқоридаги муаммоларнинг мавжудлиги диссертация мавзусининг долзарблиги ва амалий ахамиятта эга эканлигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисоби, аудити ва таҳлилини такомиллаштириш масалалари республикамиз иктисодчи олимлари Жўраев Н.Ю., Жуманов А.М., Ибрагимов А.К., Пардаев М.К., Пардаев А.Х., Сотиволдиев А.С., Тулахўжаева М.М., Хасанов Б.А. кабиларнинг илмий ишларида кенг қўламда ўрганиб чиқилган.

Фермер хўжалиқларида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда услубий жиҳатлари хорижий олимлар М.Бекер, М.Бекетт, Э.Касл, А.Нельсон, МДХ олимлари С.Акопян, М.Бычков, Н.Бакулина, Л.Крячкова ҳамда республикамиз олимлари А.Абдуллаев, Ф.Абдувахидов, Р.Дўстмуродов, М.Исмоилова, А.Ризақулов, Н.Санаев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрин олган.

Бирок, фермер хўжалиқларида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисоби мавзуси бажарилган илмий ишларда алоҳида ва яхлит тадқиқот предмети бўлиб батафсил ҳамда чуқур тадқиқ этилмаган. Мавзуга оид масалалар ҳамда муаммоларнинг айрим томонларни ўрганилган ҳолос. Муаммоларнинг ечими бу-

¹ Ислам Каримов. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иктисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жаҳияти асосларини кўриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. Т.: “Ўзбекистон” НМДУ, 2007. 18 б.

² Ислам Каримов. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иктисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жаҳияти асосларини кўриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. Т.: “Ўзбекистон” НМДУ, 2007. 8 б.

К

1. м

йиңча соҳа олимлари ўртасида турли қарашлар мавжуд. Бу эса, уз навбатида, ушбу мавзунинг илмий жиҳатдан тулиқ ҳал этилишини тақозо этади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси ҳамда олиб борилган тадқиқот Тошкент Молия институти илмий-тадқиқот режалари билан узаро боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади. Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида фермер хўжаликлари ўсимликчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, таҳлили ва маҳсулот таннархини аниқлашни назарий, услубий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш имконини берадиган илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсадга асосан ишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган бухгалтерия ҳисоби объектлариқи белгилаш;
- фермер хўжаликларининг тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда харажатлар моҳиятини илмий асослаш ва уларни таснифлаш;
- бозор иқтисодиёти талаблари асосида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таркибини такомиллаштириш;
- фермер хўжаликларида харажатлар ҳисобининг дастлабки ҳужжатларда тулиқ акс этирилишини таъминловчи тавсиялар ишлаб чиқиш;
- моддий ва меҳнат ресурслари сарфи ҳамда эгри харажатлар ҳисобини такомиллаштиришга оид тақлифлар бериш;
- экинларга сарфланган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисобини акс этирувчи ҳужжатларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш;
- ўсимликчилик ишлаб чиқаришида маҳсулотлар таннархини аниқлаш усулини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар бериш;
- ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предмети ва объекти. Ўсимликчилик билан шугулланувчи фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш бўйича ташкилий муносабатлар, ҳуқуқий асослар ҳамда иқтисодий жараёнлар тадқиқотнинг предмети ташкил қилади.

Тадқиқот объекти қилиб Ўзбекистон Республикаси Фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли Наманган вилоятида фаолият курсатаётган «Франк-Воҳиджон», «Юнусали Олимов», «Раҳимжон» ва бошқа фермер хўжаликлари олинди.

Ишда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фермер хўжаликлари уюшмаси маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Диссертациянинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикасининг хўжалиқ субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларга оид ҳамда бозор муносабатларига бағишланган фармонлари, асарлари ва курсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазир-

лигининг тармоққа ҳамда Молия Вазирлигининг ҳисоб тизими услубиятига доир меъёрий ҳужжатлари ва йуриқномалари ташкил қилади.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид хорижий ҳамда республикамиз икти-содчи олимларининг илмий ишлари, фермер ҳўжалиги фаолиятини акс эт-тирувчи статистик маълумотлар ҳамда илмий тадқиқот институтларининг тавсияларидан фойдаланилди. Диссертацияда кузатиш, умумлаштириш, гу-рухлаш, саралаш, таққослаш, индукция ва дедукция, занжирли боғланиш ҳамда бошқа иктисодий-статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқот ишида эришилган ва ҳимояга олиб чиқилаётган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- фермер ҳўжаликларининг ривожланиш истиқболларига мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг объектлари белгиланди;

- фермер ҳўжаликларининг ўзига хос жиҳатлари, бозор муносабатлари-нинг талаблари ҳамда халқаро ва миллий бухгалтерия ҳисоби андозалари асосида харажатлар урганилиб, уларнинг таснифи илмий-назарий жиҳатдан асосланди;

- фермер ҳўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот тан-нархи таркибини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар берилди;

- усимликчилик билан шуғулланувчи фермер ҳўжаликларида харажат-лар ҳисобини таъминдовчи бошланғич ва йиғма ҳўжатларнинг янги наму-налари ишлаб чиқилди;

- усимликчилик тармоғи хусусиятлари эътиборга олиниб, фермер ҳўжа-ликларида моддий, меҳнат ҳамда эгри харажатлар ҳисобини такомиллашти-ришга қаратилган тавсиялар берилди;

- ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини экнлар буйича ташкил этиш усули таклиф қилинди;

- усимликчилик билан шуғулланувчи фермер ҳўжаликларида қўшимча маҳсулот кийматини аниқлашнинг мукамаллашган усули тавсия қилинди;

- ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилинини тако-миллаштирилган услуби берилди;

- ишлаб чиқариш харажатларининг самарадорлигини ифодаловчи кўр-саткичлар тавсия қилинди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган ҳулоса ва тавсияларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти фермер ҳўжаликлари фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, маҳсулот таннархини аниқлаш ва уларнинг таҳлилинини давр талаблари асосида тако-миллаштиришни таъминлаши билан белгиланади. Ушбу янгиликларни ама-лиётга қўлланилиши натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин:

- фермер ҳўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишга доир ишлаб чиқилган усуллар, бу борадаги ҳисобни миллий ҳамда халқаро тамойиллар асосида ташкил этиш имкониятини беради;

- фермер ҳўжаликлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳисоб сиёсатининг жорий этилиши ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобида соддалашган шаклни таъминлайди ва бошқарув мақсадлари учун маълумотлар олиш имкониятини кенгайтиради;

- тавсия қилинган усуллар ва ҳужжатлар ишлаб чиқариш харажатларини туғри, аниқ, ўз вақтида расмийлаштирилишини ҳамда маълумотларни объектив шакллантирилишини таъминлайди;

- ишлаб чиқилган таҳлил усуллари ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати ва имкониятларини кўрсатиб беради;

- диссертациядаги таклифлардан харажатлар ҳисоби ва таннарх аниқлаш ҳамда уларни иқтисодий таҳлил қилиш бўйича метёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда фойдаланиш ижобий самара беради.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг асосий натижалари, хулоса ва таклифлари ҳамда амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (01.05.2006 йилдаги 02/13-638-сонли далолатнома), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (21.10.2003 йилдаги ТД 17-19/704-сонли маълумотнома) томонидан фермер хўжаликлари фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга жорий этиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Тошкент Молия институти Ҳисоб-иқтисод факультети кафедралараро илмий-назарий семинарида, Тошкент Давлат Аграр университети «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси йиғилишида, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Илмий-тадқиқот маркази қошидаги Мувофиқлаштирилган муаммовий кенгаш семинарларида муҳокамадан ўтган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижалари бўйича М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети (2000 й.), Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва божхона органлари академиясида (2002 й.), Тошкент Молия институтида (2002 й., 2004 й., 2005 й.) ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилиниб, ижобий натижалар олинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Ишнинг асосий илмий гоёси, амалий тавсиялари ва тадқиқотнинг муҳим натижаларини акс эттирувчи умумий ҳажми 2,5 б.т.дан ошик бўлган 7 та мақола ва 7 та тезислар (шу жумладан, 2 та хорижда) чоп этилган.

Илмий ишнинг таркиби ва ҳажми. Илмий иш кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 15 та жадвал, 3 та расм ва 24 та иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг матни 154 бетни ташкил қилади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Республикамиз иқтисодиётида фермер хўжаликлари алоҳида ўрин тутади. Шу боис республика ҳукумати ушбу тармоқни ривожланишига устувор аҳамият бермоқда.

Ҳозирги даврда фермер хўжалиklarини янада ривожлантирилиши уларнинг ҳисоб тизимини бозор муносабатлари талаблари асосида ташкил этишни тақозо этади.

Тадқиқотларни кўрсатишича, фермер хўжалиklarида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш шакли масаласида иқтисодчи-олимлар ва мутахассислар ўртасида турли хил қарашлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини мақбул шаклда ташкил этиш учун, аввало ундаги ҳисоб объектлари илмий жиҳатдан тўғри белгилаб олинishi зарур.

Ҳисоб соҳасида бўлаётган ўзгаришлар асосида ҳамда хўжалик субъектларининг ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби объектларини қуйидаги тартибда бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: узоқ муддатли активлар, товар-моддий захиралар, ишлаб чиқариш жараёни, пул маблағлари, олинadиган счётлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, молиявий натижаларнинг шаклланиши. Ушбу бухгалтерия ҳисобининг объектлари фермер хўжаликлари иктисодий муносабатларнинг барча томонларини камраб олиб, улар тўғрисидаги маълумотларни тартиб асосида тулик ақс эттириш имконини беради.

Диссертацияда фермер хўжаликлари учун барча ҳисоб объектларини мужассамлаштирган бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш шакли ва уни юритиш технологиясининг модели тақлиф этилди.

Республикамызда фермер хўжаликлари фаолияти ҳамда бухгалтерия ҳисоби тизимига қўйиладиган талаблар амалдаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади ва тартибга солиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг (янги таҳрири) 28-моддаси «Фермер хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш» деб номланиб, у қуйидагича ёзилган: «Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади».

Бизнинг фикримизча, ушбу модда ва унинг мазмуни фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини олиб борилишини республикамыздаги ҳисоб тизимига тегишли амалдаги қонун ҳужжатларига асосланишини тулик ифодалаб бера олмаган. Мазкур камчиликни бартараф этиш учун, биз «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига қуйидаги таҳрирда ўзгартириш киритилишини тақлиф этамиз: модданинг номи - «Фермер хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш ва ҳисобот», унинг мазмуни - «Фермер хўжалиги ўз фаолиятидаги ҳисоб-китоб ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган ёки назарда тутилган тартибда юритади ҳамда маҳаллий статистик ва солиқ органларига ҳисобот тақдим этади». Тақлиф этилган модда ва унинг мазмуни фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби олиб борилишини ҳисоб тизимини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларига асосланишининг мажбурийлигини белгилаб беради. Шунингдек, «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларни ҳам бир-бирига мувофиқ келиши таъминланади.

Тадқиқот ишида фермер хўжалиги ҳисоб тизимида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланди. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг ҳисоби ҳар томонлама ўрганилди. Ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини объекти ҳамда улар ҳисобини ташкил этиш каби тушунчаларга назарий таърифлар берилди. Бу билан мазкур тушунчалар

аниқлиги ва уларнинг туғри қўлланилишига эришилади. Шунингдек, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишни молиявий ҳисоб, ички хўжалик ҳисоби турлари ва хўжалик юритиш шаклининг узига хос жиҳати талаблари асосида амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб берилди.

Диссертацияда фермер хўжаликлари харажатлари бир неча белгилар бўйича тасниф этилди ва харажатларни турларга ажратишни янги мезонлари тавсия қилинди. Жумладан, харажатлар узлуксиз назоратда бўлиш мажбуриятига кўра, зиммага тушган харажатлар, муқобил харажат фарқлари каби турларга ажратилди ва уларга тавсифлар берилди.

Тавсия этилган харажат турлари харажатларни режалаштириш, улардан муқобиллик асосида фойдаланиш, назорат қилиш ва молиявий натижаларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишида амалдаги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби туғрисида»ги Низом, 4-БҲМС, 5-БҲМС, 20-БҲМС ва 21-БҲМС ларни айрим жиҳатларини такомиллаштириш бўйича ва уларни фермер хўжаликлари шароитига мослаштиришга оид бир катор илмий тақлифлар берилди. Жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини объектив шакллантириш мақсадида «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби туғрисида»ги Низомни 1.2. «Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари» моддасининг 1.2.5.2-«Мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш», 1.2.5.4-«Давлат вазифаларини бажарганлик учун (харбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш», 1.5. «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» моддасининг 1.5.1.8-«Текин курсатиладиган коммунал хизматлар... уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки у билан боғлиқ компенсация туловлари)» каби харажат турларини маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таркибидан олиниши тақлиф қилинди. Таъкидлаш керакки, мазкур харажат турлари маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини шакллантиришда бевосита ва билвосита катнашмайди. Бу эса, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархини шакллантириш ва яққол ифодалашдаги камчиликдир. Ушбу турдаги харажатларни «Давр харажатлари»нинг «Бошқа операция харажатлари» таркибида акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжаликларида моддий маблағлар ва улар сарфини ҳисобга олиш узига хос хусусиятларига эга. Амалиёт билан танишиш шу ҳолатни курсатдики, фермер хўжаликлари ҳисоб тизимида бу борада ҳам бир катор камчиликлар мавжуд. Шу сабабли, ушбу йўналишда мукамаллашган ҳисоб усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тавсия этиш вазифаси туради.

Диссертацияда фермер хўжаликларида моддий ва бошқа турдаги маблағлар ҳолати ва ҳаракатини хронологик ҳамда тизимли асосда қайд этишни таъминлаш мақсадида «Хўжалик муомалалари реестри», «Хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш дафтари», «Товар-материал захиралар кайдномаси»,

«Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳаракати ҳамда амортизацияси ҳисоби кайдномаси» каби такомиллаштирилган регистр шакллари тавсия қилинди. Ушбу ҳужжатлар ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи регистрларда моддий маблағлар сарфини тўғри ва ўз вақтида акс эттиришни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишида харажатлар ҳисоби ва назоратини таъминловчи қўшимча бошланғич ҳужжатлардан фойдаланишни зарурлиги кўрсатиб берилди. Ушбу турдаги ҳужжатларда маҳсулот таннархига бевосита таъсир этадиган муҳим ўзгарувчан харажатларни тезкор ҳисоби ва назорати юритилади. Бу билан, тегишли объектлар бўйича маблағлар сарфини илмий меъёрлаштириш, режалаштириш, сарфлаш ҳамда назорат қилиш имконияти яратилади. Шу мақсад учун, диссертацияда «Пахта ҳосили учун ўғит сарфи ҳисоби», «Тракторчи-машинистнинг ҳисоб варакаси» каби такомиллашган ҳужжат шакллари тавсия қилинди.

Фермер хўжаликларида меҳнат ва унга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш уларга бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларни илмий ўрганиш ва улардан тўғри фойдаланишни такозо қилади. Диссертацияда фермер хўжаликларида меҳнат ва унга ҳақ тўлаш тизимини ҳуқуқий асосларини ташкил этиш, ходимлар таркибини илмий асосда белгилаш, меҳнатни меъёрлаштириш, меҳнат ҳажми билан меҳнат ҳақини илмий асосда мувофиқлаштириш, меҳнат ҳақини режалаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш шаклларини белгилаш, фермер ва унинг оила аъзолари меҳнатини тадбиркорлик қобилияти ва бевосита жисмоний меҳнат каби турларга ажратиш тартибларини такомиллаштиришга оид тақлифлар берилди.

Хўжаликларда меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлашни тўғри ҳисобга олиш бўйича такомиллаштирилган қуйидаги бошланғич ҳужжат шакллари тавсия этилди.

«Иш вақтини ҳисобга олиш табели». Мазкур ҳужжат шакли меҳнатга ҳақ тўлашни вақтбай асосда ташкил этган ҳужжаликда ҳар бир ходим меҳнати тўғрисидаги маълумотларни - ишлаган кунлари ҳамда соатларини тегишли харажат объектлари бўйича ҳисобга олиш учун тайинланган.

«Бажарилган иш ва меҳнатни ҳисобга олиш наряди» - ходимларга ишбай шаклида меҳнат ҳақи тўлашда меҳнат сарфи бўйича аниқ ҳисобни таъминлаб беради. Ушбу ҳужжатда ходимни бажарган иш тури ва ҳажми, иш бажаришга сарфлаган вақти, меҳнати учун тулов қиймати каби маълумотлар меъёр кўрсаткичлари ҳамда ҳақиқатдаги ҳолати бўйича акс эттирилади ва қайси харажат объектига тегишли эканлиги кўрсатилади. Ҳисобот даври якунида маълумотлар қиймат ва вақт кўринишида харажат объектлари бўйича умумлаштирилади.

«Тракторчи-машинистнинг ҳисоб варакаси». Техникани бажарган ишини ҳисобга олувчи дастлабки ҳужжатда бажарилган иш тури, унинг ҳажми, сарфланган вақт, ёниги сарфи алоҳида устунларда хронологик тартибда қайд этилиб борилади. Ушбу ҳужжатни тузиш орқали тракторчилар учун бажарилган иш бўйича меҳнат ҳақи ҳисоблаш ва уларни тегишли харажат объектларига утказиб бориш таъминланади.

Таклиф этилган ҳужжат шаклларидаги маълумотлар ходимларга меҳнат ҳақини тузри ҳисоблаш, рағбатлантириш, меҳнат ҳақи сарфини харажат объектларига аниқ утказиш, уларни назорат ва таҳлил қилиш ҳамда мувофиқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, тадқиқот ишида меҳнатга натура шаклида ҳақ тулашга тегишли бўлган муаммолар белгиланиб, уларни бартараф этишнинг йуллари кўрсатиб берилди.

Фермер хўжаликлари фаолиятида айрим сарфлар бир неча даврлар, тармоқлар, экинлар ва иш турларига тегишли бўлади. Булар эгри харажатлар бўлиб, хўжалик субъектларида улар ҳисобини алоҳида юритиш зарурлиги илмий асосланди. Фермер хўжаликлари ҳисоб тизимида эгри харажатлар турлари белгилаб берилди ва бу борада ҳисобни ташкил этиш усуллари ишлаб чиқилди. Эгри харажатларни тегишли объектларга утказишга илмий асос бўладиган курсаткичлар таклиф қилинди.

Тадқиқотларни курсатишича, фермер хўжаликлари учун экинлар буйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишда ҳар жиҳатдан амалиёт талабига жавоб берадиган усул мавжуд эмас. Мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида экинлар буйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг ташкил этишнинг қуйидаги усули таклиф қилинди.

2000-«Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби» счётининг «Усимликчилик» субсчёти қошида ҳар бир экин (харажат объекти) учун алоҳида аналитик счёти тайинланиши шарт. Аналитик счёти регистри ҳосил этиштиришга сарфланган маблағларни турлари (харажат моддалари), сарфланган даври (ой, йил бошидан жами) буйича шакллантириб, улар тузрида ҳам алоҳида, ҳам умумлашган маълумотларни бериши керак. Аналитик счёти регистри шакли қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Аналитик счёти маълумотларидан ҳам бошқарув, ҳам молиявий ҳисоб мақсадларида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Усимликчилик тармоғида экинлар буйича ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотлар тузридаги ички ҳисобот тавсия этилган аналитик счёти маълумотларини умумлаштириш асосида тузилади.

Тадқиқот натижасида харажат объектлари таркибида ишлаб чиқариш харажатларини гуруҳлаштиришни янги тартиби тавсия қилинди (1-жадвал). Янги тартибда таннархни ташкил этувчи харажатлар иқтисодий мазмуни ва ўрни буйича таркибланган.

Диссертацияда фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш зарурлиги таъкидланди.

Экинлардан олинган қўшимча маҳсулотларни баҳолашнинг бир неча усуллари кўрсатиб берилди. Жумладан, хўжаликнинг ички эҳтиёжи учун олиб қолинган сомонни соф сотиш қийматида баҳолаш усули тавсия қилинди. Сомоннинг ишлаб чиқариш қийматини аниқлаш мақсадида «Сомон тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар» номли аналитик счётида маҳсулотнинг йиғиштириш, пресслаш, ташиш, жойлаш каби сарфлар билан бирга унинг соф сотиш баҳоси ҳам ҳисобга олинади. Мазкур ҳисоб сомон (қўшимча маҳсулот) таннархини аниқлашнинг энг мақбул усули деб ҳисоблаймиз.

Харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисоби регистри¹

«Франк-Воҳиджон»
фермер хўжалиги.
2005 йил декабрь ойи учун

2012-«Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби»
«Усимликчилик» субсчёти
Бугдой экин

01.12.05 га кодиқ	№11	Сана	Муомалалар мазмуни	Харажатлар, м.с.		Олинган маҳсулот
				Жами харажат	Сомоннинг соф сотиш баҳоси	
Ой буйича жами Йил бошидан жами			Жами харажат	18086.2	18086.2	17871.2
				3215.9	3215.9	17871.2
			Уруғ ва қуват	6758.7	6758.7	17005
				3092	3092	17871.2
			E.M.M.	1346.8	1346.8	17005
				924.5	924.5	17871.2
			ташкилотлар томонидан бажаришга қараганда харажатлар	924.5	924.5	17005
				2446.6	2446.6	17871.2
			Доминий аъзоларнинг меҳнат ҳақи	2446.6	2446.6	17005
				807.4	807.4	17871.2
			Маъсулнинг ишчилар меҳнати ҳақи	807.4	807.4	17005
				1690.3	1690.3	17871.2
			Асосий воситалар эскириши	1690.3	1690.3	17005
				896.0	896.0	17871.2
			Ишлаб чиқаришга тегишли бошқа харажатлар	896.0	896.0	17005
				-215.0	-215.0	17871.2
			Сомоннинг соф сотиш қиймати	-215.0	-215.0	17005
				17871.2	17871.2	17871.2

¹ Маъба: Наманган вилояти Поп туманидаги «Франк-Воҳиджон» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари.

«Франк-Воҳиджон» фермер ҳужалигида 2005 йилда бугдой экинidan олинган дон ва ички эҳтиёж учун қолдирилган сомон маҳсулоти таннархининг аниқлашни ҳисоб-китоби ҳамда уларнинг формуласи 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

«Франк-Воҳиджон» фермер ҳужалигида бугдой экинidan олинган дон ва ички эҳтиёж учун қолдирилган сомон маҳсулоти таннархини аниқлаш формуласи ҳамда уларнинг ҳисоби¹

(минг сўм ҳисобида)

	Қушимча маҳсулот қийматини аниқлаш	Қушимча маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш	Асосий маҳсулотга тегишли ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш	Асосий маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш
Формулалар	$K_{\text{смон}} = C_{\text{сқ}} + (H_x + T_x + J_x)$	$C_{\text{смон}} = K_{\text{смон}} / C_{\text{м}}$	$A_x = J_x - C_{\text{сқ}}$	$M_{\text{м}} = A_x / M_{\text{д}}$
Ҳисоб-китоблар	351,5 - 215,0 + 136,5	18,0 = 351,5 / 19,5 т.	17871,2 = 18086,2 - 215,0	5,8 = 17871,2 / 3092 ц

Бу ерда: $K_{\text{смон}}$ - қушимча маҳсулотнинг ялли таннархи; $C_{\text{сқ}}$ - соф сотип баҳосида ҳисобланган қушимча маҳсулот қиймати; $(H_x + T_x + J_x)$ - сомонни йиғиштириш, ташини ва жойлаш харажатлари; $C_{\text{смон}}$ - бир бирлик қушимча маҳсулотнинг таннархи; $C_{\text{м}}$ - олинган қушимча маҳсулот миқдори; A_x - асосий маҳсулотга тегишли ишлаб чиқариш харажатлари; J_x - экинга сарфланган жами ишлаб чиқариш харажатлари; $M_{\text{м}}$ - асосий маҳсулотнинг бир бирлик таннархи; $M_{\text{д}}$ - асосий маҳсулот миқдори.

Таклиф этилган формулалар асосий ва қушимча маҳсулотларнинг таннархини аниқлаш усулини белгилаб беради ҳамда таннарх ўзгаришига омилларнинг таъсирини ҳисоблаш имконини ҳам яратади.

Ушбу усулни асосий ва қушимча маҳсулот берадиган бошқа экинлар учун ҳам таъбиқ этиш мумкин.

Диссертацияда фермер ҳужаликларидида иктисодий таҳлилни ташкил этишнинг тизимли шакли ва унинг муҳим қисми булган бошқарув таҳлилининг таркиби белгилаб берилди. Қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқаришининг узига хос жиҳатларидан келиб чиқиб ички бошқарув таҳлилида маҳсулот таннархи алоҳида таҳлил объекти деб белгиланди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ички бошқарув таҳлилининг марказида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили туради. Шу сабабли, асосий эътибор унинг тизимли шаклини йулга қуйишга қаратилди.

Фермер ҳужаликлари усимлякчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилини уч босқичда: экин турларидан олинадиган маҳсулотларни режалаштиришда, ишлаб чиқариш жараёнининг боришида, ишлаб чиқариш фаолиятининг якуни буйича - узлуксиз амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

¹Манба: Наманган вилояти Поп туманидаги «Франк-Воҳиджон» фермер ҳужалигининг бухгалтерия ҳисоби мазмунотлари.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштиришда «Харажат - маҳсулот ҳажми - фойда» коидасига амал этиш зарурлиги кўрсатиб берилди. Бу тadbир муайян фаолиятдан зарар кўрмаслик ва энг мақбул фойда ҳажми чегарасини илмий асосда белгилаб олиш билан баҳоланади. Шунинг учун ишлаб чиқаришда зарарсизлик чегарасини ва энг мақбул фойда ҳажминини таъминлаб бера оладиган маҳсулот миқдорини белгилаб олишнинг формулалари таклиф қилинди. Тавсия этилган формулалар ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар, маҳсулот баҳоси ва фойда ҳажми ўзгаришини маҳсулот миқдорига таъсирини олдиндан ҳисоб-китоб қилиш имконини беради. Бу эса, этиштирилдиган ҳосил ва унга сарфланадиган маблағларни муқобил вариантлар асосида илмий режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчи босқичда иқтисодий таҳлил бевосита ишлаб чиқариш жараёнининг бориши билан амалга оширилади. Бунда, иқтисодий таҳлил кўпроқ тезкорлик таснифига эга бўлади.

Ушбу босқичдаги таҳлилда ишлаб чиқариш жараёни учун қилинган харажатлар бевосита воқелик содир бўлаётганда ёки бўлиб ўтиши билан урганилади ва тезлик билан ҳулосалар чиқарилади. Мазкур жараёнда ҳар бир агротехник тadbир, экин тури алоҳида таҳлил қилинади. Муайян агротехник тadbирга сарфланган харажатлар, ҳам миқдор, ҳам қиймат кўрсаткичларида урганилиб, улар режа маълумотлари билан таққосланиб назорат қилинади.

Экин бўйича харажатлар таҳлили ҳар бир технологик тadbир ўтказилгандан сўнг амалга оширилади. Бу билан объект бўйича сарфланган харажатлар ва уларнинг ўзгариши кўриб чиқилади.

Таҳлилнинг иккинчи босқичда экинларга сарфланган харажатлар ҳолати ва уларни ўзгариши «Харажат - маҳсулот ҳажми - фойда» коидаси асосида белгилаб олинган кўрсаткичларга мувофиқ келиши ҳам узлуксиз урганиб борилади. Омилярнинг ўзгариш миқдорларидан келиб чиқиб, муқобиллик асосида белгиланган у ёки бу турдаги маблағлар сарфи ва маҳсулот ҳажми йўналишига ўтилиши мумкин.

Ушбу тартибдаги таҳлил ишлаб чиқариш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда илмий асосда бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишнинг учинчи босқичи ҳисобот йили ақунлангандан сўнг амалга оширилади. Тугалланган воқеликларни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва улардан олинган ҳулосалар ҳақиқий ҳолатни, унинг ютуқ ва камчиликларини баҳолаш имконини беради. Бунинг учун ишлаб чиқариш харажатларини икки йўналиш: харажат – маҳсулот ҳажми - фойда усули асосида ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Харажат - маҳсулот ҳажми - фойда усули таҳлилида сарфланган харажатлар, унинг ўзгарувчан ва ўзгармас гуруҳлари таркиби (ҳам миқдор, ҳам қиймат томондан) алоҳида тарзда урганилади. Ҳисоб-китоб асосида гуруҳдаги ҳамда ҳар бир турдаги сарфларнинг режага нисбатан ўзгариши, уларнинг жами харажатнинг ўзгаришига таъсири аниқланади. Ўзгариш сабаблари бўйича муҳим ҳулосалар олинади. Маҳсулот баҳоси ва ҳажми ҳам юқоридаги тартибда таҳлил қилинади. Бу билан ишлаб чиқариш харажатлари,

махсулот баҳоси, ҳажми ва молиявий натижаларнинг боғлиқлиги ҳамда ўзаро таъсири ўрганилади.

Диссертацияда ўсимликчилик тармоғида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг қуйидаги тартиби белгиланди: маҳсулотнинг ҳақиқатдаги таннархи кўрсаткичини бизнес режада белгиланган кўрсаткич билан таққослаш; 1 га. ер майдони ва 1 ц. ҳосилга сарфланган харажатлар ва уларнинг ўзгаришига таъсир этган омиллар таҳлили; 1 га. ер майдони ва 1 ц. ҳосилга сарфланган харажатлар ўзгаришининг маҳсулот таннархи ўзгаришига таъсири таҳлили; 1 га. ер майдони ва 1 ц. ҳосилга сарфланган харажатлар динамикасининг таҳлили; молиявий натижага маҳсулот таннархи ва сотиш баҳоси таъсири таҳлили; 1 сўмлик товар маҳсулоти учун сарфланган харажатлар динамикасининг таҳлили.

Фермер хўжалиги ўсимликчилик тармоғида маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ушбу масалада ҳам мунозарали ҳолатлар мавжуд.

Хўжалик фаолиятида ишлаб чиқариш харажатларининг рентабеллиги кўрсаткичи фақат сотилган маҳсулотларга нисбатан аниқланмоқда.

Башарти ишлаб чиқарилган маҳсулотни барчаси сотилган бўлса, ушбу рентабеллик кўрсаткичи, ишлаб чиқариш харажатлари самарадорлигини тўғри ифодалайди.

Бироқ хўжаликда ўсимликчилик маҳсулотлари ҳар доим ҳам турли сабабларга қура тулик сотилмаслиги мумкин. Биринчи ҳолатда, маҳсулотнинг маълум бир қисми ишлаб чиқариш эҳтиёжи ёки турли мақсадлар учун бошқарув қарорига биноан хўжалик захирасида қолдирилади. Иккинчи ҳолатда, маҳсулотнинг маълум бир қисми бозорда сотилмай қолиши мумкин. Юқоридаги ҳисоб-китоб тартиби мазкур ҳолатни эътиборга олмайди.

Шу сабабли, муайян маҳсулотнинг рентабеллик даражасини 3-жадвалда келтирилган тартибларда ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ.

3-жадвал

Маҳсулотнинг рентабеллик кўрсаткичини ҳисоб-китоб қилиш формуллари¹

Кўрсаткичларнинг номланиши	Кўрсаткичларни аниқлаш	«Юнусали Олимов» фермер хўжалигида бугдой дони маҳсулотининг рентабеллик кўрсаткичлари
1. Сотилган маҳсулот рентабеллиги	$P = \Phi / C_m * 100$	$947 / 1508 * 100 = 62,8 \%$
2. Жами маҳсулот рентабеллиги	$P = \Phi / Y_m * 100$	$947 / 1670 * 100 = 56,7 \%$
3. Шартли сотилган маҳсулот рентабеллиги	$P = \Phi_{ш} / Ш_m * 100$	$1085 / 1670 * 100 = 65 \%$

Бу ерда: P - рентабеллик кўрсаткичи; Φ - сотилган маҳсулотдан эришилган фойда; C_m - сотилган маҳсулот таннархи; Y_m – маҳсулотнинг ялпи таннархи; $\Phi_{ш}$ - шартли фойда суммаси; $Ш_m$ - шартли сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

¹ Маъна: Наманган вилояти Поп туманидаги «Юнусали Олимов» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари.

Жами маҳсулотнинг рентабеллик курсаткичида ҳам хақиқий ҳолатни ифodalашда чекланган жиҳат мавжуд. Чунки, маҳсулотнинг ички эҳтиёж учун олиб қилинган қисми, эркин бозордан ҳужалик қарори билан четлаштирилмоқда ёки бозор баҳоси билан ҳисоб-китоб қилинмайпти.

Шу сабабли, ҳар бир маҳсулотнинг рентабеллик даражаси маҳсулотнинг шартли баҳосида ҳам аниқланиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун, жами етиштирилган маҳсулотнинг бошқарув қарори билан ҳужалик ихтиёрида қолган миқдори бозор баҳосида шартли баҳоланиб, унинг сотиш натижасида олинishi мумкин бўлган тушум суммаси аниқланади ва ҳақиқатда сотилган маҳсулотдан олинган тушум суммасига қушилади. Ҳисоб-китоблар асосида аниқланган жами шартли тушумдан сотилган ҳамда ички эҳтиёж учун қолдирилган маҳсулотларга тегишли ишлаб чиқариш таннархи чегириб ташланиб, шартли – эришилиши мумкин бўлган фойда топилади. Шартли фойда жами шартли сотилган (ҳақиқатда сотилган + ички эҳтиёж учун қолдирилган) маҳсулотга тегишли ишлаб чиқариш таннархига булинади. Бу билан муайн маҳсулотдан эришиш мумкин бўлган рентабеллик курсаткичи аниқланади.

Башарти ҳужаликка боғлиқ бўлмаган ҳолда маҳсулотнинг бозорда сотилмай қолган қисми мавжуд бўлса, у ҳолатда мазкур миқдор ишлаб чиқариш таннархида жами маҳсулотдан чегириб ташланади. Бу эса, сотилган маҳсулот ҳамда шартли сотилган маҳсулот рентабеллигига таъсир қўрмайди.

Рентабеллик даражаси курсаткичларини урганиш асосида маблағлардан самарали фойдаланиш йулларини белгилаш буйича ҳулосалар олинади.

Фермер ҳужаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таҳлили такомиллаштириш бошқарув ва молиявий ҳисобларни бозор талаблари асосида ташкил қилиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради.

III. ХУЛОСАЛАР

Танланган мавзу буйича тадқиқот натижаларидан олинган ҳулосаларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Фермер ҳужаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни давр талаблари даражасида такомиллаштириш ҳисоб объектларини тўғри танлаш билан белгиланади. Республикамиз ҳисоб тизимида булаётган ислохотлар асосида ҳамда ҳужалик субъектларининг ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, фермер ҳужаликларида бухгалтерия ҳисобининг объектлари қуйидаги тартибда булиши тавсия қилинди: узоқ муддатли активлар, товар-моддий захиралар, ишлаб чиқариш жараёни, пул маблағлари, олинандиган счётлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, молиявий натижаларнинг шаклланиши.

2. Республикамизда фермер ҳужаликлари фаолияти ҳамда улардаги бухгалтерия ҳисоби тизимини тартибга солувчи амалдаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар билдириди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер ҳужалиги тўғрисида»ги қонунининг 28-моддаси қуйидаги тахрирда ўзгартирилиши тақлиф этилди:

модданинг номи - «Фермер хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш ва ҳисобот», унинг мазмуни - «Фермер хўжалиги ўз фаолиятидаги ҳисоб-китоб ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган ёки назарда тутилган тартибда юритади ҳамда маҳаллий статистик ва солиқ органларига ҳисобот тақдим этади». Тақлиф этилган модда ва унинг мазмуни фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби олиб борилишини ҳисоб тизимини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларига асосланишининг мажбурийлигини белгилаб беради.

3. Фермер хўжалиги бухгалтерия тизимида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархи ҳисоблашнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланди. Ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг ҳисобига оид бўлган бир қатор тушунчаларга назарий таърифлар берилди. Бу билан мазкур тушунчалар аниқлиги ва уларнинг тўғри қўлланилиши таъминланади.

4. Диссертацияда амалдаги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом, 4-БҲМС, 5-БҲМС, 20-БҲМС, ва 21-БҲМС ларни айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш бўйича ва уларни фермер хўжаликлари шароитига мослаштиришга оид бир қатор илмий тақлифлар билдирилди.

5. Ҳисоб тизимидаги харажатларнинг амалдаги таркиби ва таснифи урганилди. Фермер хўжаликларининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, харажатларни мазкур хўжалик субъектларига мос таркиби белгиланди.

Харажатларнинг янги таркиблари тавсия қилинди ҳамда улар илмий жиҳатдан таснифланди.

6. Моддий харажатлар ҳисобини фермер хўжаликларининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб ташкил этиш ва юритишга оид тақлифлар берилди. Жумладан: товар-захиралар ҳаракатини қайд этувчи бошлағич ҳужжат ва аналитик ҳисоб регистрларининг такомиллашган шакллари, узгарувчан харажатларни сарфланиш меъёрини, даврини тезкор назорат этишни таъминлаш учун тайинланган махсус қайднома шакллари, товар-захираларни баҳолашни яхшилашга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилди.

7. Диссертацияда меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг ташкил этиш ҳамда юритиш ҳисобига доир бир қатор тақлифлар ишлаб чиқилди.

Хўжаликда сарфланадиган меҳнат миқдори, сифати, меъёри, меҳнатга тўланадиган ҳақ, ходимлар сони ва уларни узаро мувофиқ бўлишлигини таъминлашга қаратилган тақлифлар берилди.

Ходимлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари белгилашга доир мақбул тақлифлар ишлаб чиқилди.

Меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олувчи дастлабки ҳужжатларни такомиллашган шакллари тавсия этилди.

Натура шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш масаласидаги бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

8. Диссертацияда эгри харажатларнинг иқтисодий мазмуни, таркиби, турлари илмий жиҳатдан асосланди.

Ўсимликчилик тармоғида эгри харажатлар ҳисобини ташкил этиш бўйи-

ча куйидаги таклифлар берилди:

- йирик кийматга эга бўлган эгри харажатларнинг ҳар бир тури учун асосий ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи с/ҳат қошида алоҳида аналитик с/ҳатлар очиш;

- ҳар бир турдаги эгри харажатларни улар тегишли бўлган экинлар (ёки бошқа объектлар) ўртасида объектив тақсимлаш учун асос бўладиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди.

9. Фермер хўжаликларида экин, экинлар тури бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва юритишни такомиллашган усули тавсия қилинди.

Ушбу усулда - ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ҳам хронологик, ҳам тизимлашган тартибда алоҳида олинган экин, экин турлари ва тармоқ бўйича сарфланган маблағларни моддаларга ажратилган ҳолда, шунингдек, уларни ҳар бир объектга сарфланиш даври ҳамда йил бошидан ўсиб келувчи жами тарзда маълумотларни шакллантириш йўллари тавсия этилди.

Мулкчилик ва хўжалик юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда иқтисодий муносабатлардаги маълумотларга бўлган талаблардан келиб чиқиб ишлаб чиқариш харажатларини тегишли объектлар таркибида янги тартибда моддаларга ажратиш ҳисобга олиш таклиф этилди.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш учун махсус «Харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисоби» номли аналитик с/ҳат регистри шакли тавсия қилинди.

10. Усимликчилик тармоғида қўшимча маҳсулотни мақбул баҳолаш тартиблари ва унинг таннархини аниқлаш усули белгиланди.

Асосий ва қўшимча маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб қилиш тартиби формуласи ишлаб чиқилди.

11. Усимликчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилинини уч босқичда ўтказиш усули таклиф қилинди.

Таҳлилнинг биринчи босқичида ҳосил этиштиришда маблағлар сарфи ва унинг натижаларининг илмий асосда режалаштириш учун зарар кўрмаслик ҳолати ҳамда энг мақбул фойда ҳажми ҳисоб-китобини таъминлаб берадиган махсус усуллар ишлаб чиқилди.

Таҳлилнинг иккинчи босқичида белгиланган технологик харита ва бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилиши ўрганилади. Бунда, маблағлар сарфининг ҳар бир иш тури, харажат объекти, экин, тармоқ ва умумхўжалик бўйича ҳолати воқелик содир бўлаётганда узлуксиз таҳлил эта бориш зарурати асослаб берилган.

Иқтисодий таҳлилнинг учинчи босқичи ҳисобот даврида яқунланган воқеликни куйидагича йўналишларда ўрганилиши эътироф этилди: харажат - маҳсулот ҳажми - фойда усули асосида таҳлил; маҳсулот таннархи таҳлили.

Мазкур йўналишларда белгиланган мақсадга кўра ҳақиқатда эришилган кўрсаткичларни бизнес режа кўрсаткичларига мувофиқ келиш ёки келмаслиги, улар ўртасидаги фарқларга таъсир этувчи омиллар, фойдаланилмаган имкониятлар, иқтисодий қонунларга амал қилиш ва шу қабилида урганилди.

12. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг таҳлил қилиш услуби тав-

сия қилинди. Маҳсулот таннархини ташкил этувчи омиллар салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида таннарх курсаткичини пасайтириш йўллари курсатиб берилди.

13. Усинликчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатларининг фойдалилик даражасини қуйидагича аниқлаш тавсия қилинди: сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги, жами маҳсулот рентабеллиги, шартли сотилган маҳсулот рентабеллиги. Ушбу курсаткичлар ишлаб чиқариш самаралорлигини турли томондан баҳолаш имконини беради.

Диссертацияда билдирилган тақлиф ва тавсияларни фермер ҳужалиқларининг фаолиятига татбиқ этиш уларни ижобий ижтимоий-иқтисодий натижаларга олиб келади.

IV. Диссертация мавзуси ва натижалари бўйича нашр этилган илмий ишлар рўйхати:

1. Ҳақимов Б.Ж. Назарий асос пухта бўлсин // Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент, 1996. - № 8. 24-25 б.

2. Ҳақимов Б.Ж. Янги усулнинг афзаллиги // Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент, 1997. - №4. 32-33 б.

3. Сотиволдиев А.С., Ҳақимов Б.Ж. Имкониятлардан бири // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 1997. - № 12. 19-20 б.

4. Хасанов Б.А., Ҳақимов Б.Ж. Агросаноат тизимида аудиторлик хизмати // Бозор, Пул ва Кредит. – Тошкент, 1998. - №5. 54-55 б.

5. Ҳақимов Б.Ж. Учет затрат в Узбекистане // Сб. науч. трудов студентов, аспирантов и ученых. - М.: МГУ. МАКС Пресс, 2000. – С. 71-74.

6. Ҳақимов Б.Ж. Совершенствование исчисления себестоимости сельскохозяйственной продукции // Сб. науч. трудов студентов, аспирантов и ученых. - М.: МГУ. МАКС Пресс, 2000. – С. 66-67.

7. Ҳақимов Б.Ж. Пулми ёки буғдой? // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2001. - № 10-11. 52-53-54 б.

8. Ҳақимов Б.Ж. Иссиқ овқат харажатлари ҳисоби // O'zbekiston Iqtisodiy Axborotnomasi. – Тошкент, 2002. - № 12. 58-59 б.

9. Ҳақимов Б.Ж. Фермер ҳужалиғида эгри харажатлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш // «Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счетлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари»: Халқ.илм.-амал.конф.матер. - Т.: ТМИ, 2002. 185-186 б.

10. Ҳақимов Б.Ж. Фермер ҳужалиқларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва уларнинг таҳлили // «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми»: Халқ.илм.-амал.конф.матер. – Т.: Солиқ ва божхона органлари академияси, 2002. 197 б.

11. Ҳақимов Б.Ж. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таҳлилининг такомиллаштириш йўналишлари // «Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари»: Халқ.илм.-амал.конф.матер. – Т.: ТМИ, 2004. 197-198 б.

12. Ҳақимов Б.Ж. Фермер ҳужалиқларида харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш // «Иқтисодий эркинлаштириш шароитида

солик тизими ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йуллари»: Халқ. илм.-амал.конф.матер. - Т.: ТМИ, 2004. 468-470 б.

13. Хақимов Б.Ж, Шодибекова Д.А. Фермер ва деҳқон хужалиқларини ривожланишида деҳқон бозорларини урни // «Иқтисодий фанлар узвийлигини таъминлашнинг ҳозирги замон муаммолари ва ечимлари»: Респ.илм.-амал.конф.матер. - Т.: ТМИ, 2005. 95-96-97 б.

14. Хақимов Б.Ж, Қурбонбоев Ж.Э. Фермер хужалиқларида харажатлар ҳисоби // *Bozor, pul va kredit*. – Тошкент, 2006. - № 2. 55-57 б.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Хакимов Бунёджон Жураевичнинг 08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» иқтисослиги буйича «Фермер ҳужаликлариди ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва уларнинг таҳлили» (Ўсимликчилик тармоғи иқтисодида) мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сузлар: харажатлар, харажатлар таснифи, ишлаб чиқариш харажатлари, тўғри харажатлар, эгри харажатлар, узгарувчан харажатлар, узгармас харажатлар, узлуксиз назорт остидаги харажатлар, зиммага тушган харажатлар, ишлаб чиқариш харажатлари объекти, ишлаб чиқариш харажатлари аналитик сче-ти, бошланғич ҳужжат, йиғма регистр, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили, маҳсулот таннархи таҳлили, иқтисодий самарадорлик курсаткичлари.

Тадқиқот объектлари: Наманган вилоятида фаолият курсатаётган ўсимликчилик тармоғи мавжуд бўлган фермер ҳужаликлари.

Ишнинг мақсади: Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида фермер ҳужаликлари ўсимликчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, таҳлили ва маҳсулот таннархини аниқлашни назарий, услубий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш имконини берадиган илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқот усули: кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, саралаш, таккослаш, индукция ва дедукция, заъжирли боғланиш ва бошқа иқтисодий-статистик усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгиллиги: фермер ҳужалиklarининг ривожланиш истикболларига мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг объектлари белгиланди; фермер ҳужалиklarининг ўзинга хос жиҳатлари, бозор муносабатларининг талаблари ҳамда халқаро ва миллий бухгалтерия ҳисоби андозалари асосида харажатлар ўрганилиб, уларнинг таснифи илмий-назарий жиҳатдан асосланди; фермер ҳужалиklarиди ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таркибини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар берилди; фермер ҳужалиklarиди харажатлар ҳисобини таъминловчи бошланғич ва йиғма ҳужжатларнинг янги намуналари ишлаб чиқилди; ўсимликчилик тармоғи хусусиятлари эътиборга олиниб фермер ҳужалиklarиди моддий, меҳнат ҳамда эгри харажатлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар берилди; ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини экинлар буйича ташкил этиш усули тақлиф қилинди; ўсимликчилик билан шуғулланувчи фермер ҳужалиklarиди қўшимча маҳсулот қийматини аниқлашнинг мукамаллашган усули тавсия қилинди; ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилиннi такомиллаштирилган услуби берилди; ишлаб чиқариш харажатларининг самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар тавсия қилинди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотлар натижасида олинган хулосалардан республикаимиз фермер ҳужаликлари ўсимликчилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таҳлилинн ташкил этишда фойдаланишдан иборат.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Диссертациянинг асосий натижалари Наманган вилоятида фаолият курсатаётган фермер ҳужалиklarиди бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришга жорий қилинган.

Кулланиш соҳаси: Диссертация натижалари фермер ҳужалиklarиди ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таҳлилинн ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш буйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Хакимова Бунёдждона Джураевича на тему «Учет производственных затрат, исчисление себестоимости продукции и их анализ в фермерских хозяйствах» (На примере растениеводства) на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08—«Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит»

Ключевые слова: расходы, классификация затрат, производственные расходы, прямые расходы, переменные расходы, косвенные расходы, постоянные расходы, затраты контролируемые непрерывно, вмененные затраты, объект производственных затрат, аналитический счет производственных затрат, первичный документ, сводный регистр, производственная себестоимость продукции, анализ производственных затрат, показатели экономической эффективности.

Объекты исследования: фермерские хозяйства, растениеводческого направления Наманганской области.

Цель работы: разработать научно-практические предложения и рекомендации, позволяющие усовершенствовать теоретические, методологические и организационные основы учета и анализа производственных затрат, определения себестоимости продукции растениеводства в фермерских хозяйствах в условиях развития рыночных отношений.

Методы исследования: наблюдение, обобщение, группировка, подбор, сопоставление, индукция и дедукция, цепных подстановок и другие экономико-статистические методы.

Полученные результаты и их новизна:

определены объекты бухгалтерского учета, соответствующие перспективам развития фермерских хозяйств; изучена и научно-теоретически обоснована классификация расходов на основе требований рыночных отношений, МСФО и ИСБУ с учетом особенностей фермерских хозяйств; даны рекомендации по усовершенствованию состава производственных затрат и себестоимости произведенной продукции в фермерских хозяйствах; разработаны новые образцы первичных и сводных документов, обеспечивающих учет производственных затрат в фермерских хозяйствах; с учетом особенностей растениеводческой отрасли разработаны предложения и даны рекомендации по усовершенствованию учета материальных, трудовых и косвенных затрат в фермерских хозяйствах; рекомендован метод организации учета производственных затрат по видам сельскохозяйственных культур; разработан усовершенствованный метод определения стоимости побочного продукта в фермерских хозяйствах растениеводческой отрасли; предложен усовершенствованный метод анализа производственных затрат и себестоимости продукции; рекомендованы показатели экономической эффективности производственных затрат.

Практическая значимость: разработки и рекомендации, достигнутые в результате исследования, могут применяться в организации учета и анализа производственных затрат в отраслях растениеводства фермерских хозяйств республики.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты научного исследования применены для усовершенствования системы бухгалтерского учета фермерских хозяйств в Наманганской области.

Область применения: результаты исследования могут использоваться для разработки методологической рекомендации по усовершенствованию нормативно-правовой базы организации учета и анализа производственных затрат на фермерских хозяйствах.

RESUME

Thesis of Hakimov Bunedjon Joraevich on the scientific degree competition of the candidate of economic sciences, speciality 08.00.08-“Accounting, economic analysis and audit” on a theme “Farm production cost accounting, calculation of output cost and their analysis” (on the example of crop production)

Key words: costs, cost classifications, production costs, direct costs, indirect costs, variable costs, fixed costs, controllable costs, opportunity costs, subjects of the production costs, analytical account of the production costs, basic source documents, cumulative registers, output cost, cost analysis, output cost analysis, economic efficiency indicators.

Subjects of the inquiry: farms with crop production which operate in Namangan region.

Aim of inquiry: to make scientific-practical suggestions and recommendations on the development of theoretical, methodological and organizational basis of the cost production accounting, analysis and calculation of output cost in the farm crop production under developing market relationships.

Method of inquiry: observation, grouping, selection, comparison, an induction and deduction, analysis and synthesis, variance analysis and other economic-statistical methods.

The results achieved and their novelty: accounting subjects which corresponds to the farms development perspectives have been determined; costs have been classified on the basis of international and national standards of accounting and requirements of market relationships and specification of the farms; recommendations have been made for the improvement of production and output cost structures in the farms; improved forms of the basic source documents and cumulative registers have been developed to provide accounting of costs in the farms; considering the nature of crop production, recommendations have been made to improve tangible, labor, and indirect cost accounting on farms; organizational method of production cost accounting according to crop types has been improved and recommended; improved method has been suggested to determine the value of by-product in the farms with crop production; improved methods have been developed to analyse production and output costs; indicators have been recommended to determine production cost efficiency.

Practical value: scientific conclusions and practical suggestions can be used to organize production cost accounting and analysis in the farms with crop production.

Degree of embed and economic effectivity: the main results of the thesis have been applied to improve accounting system of the farms which are operating in Namangan region.

Sphere of usage: the research results can be used in developing methodological recommendations on improvement of normative and legal base of organization of production cost accounting and analysis in farms with the crop production.

